

Тақдирот

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЯНГИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Гулчирой ИСОКОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига Фанлар академиясининг бир гуруҳ олимлари томонидан тайёрланган "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" китоби тақдиротига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Сўнги йилларда тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, имкон қадар барча соҳалардаги замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилларини яратиш, бир хил қўлланишнинг таъминлашга доир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилмоқда. Янги "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"нинг нашрдан чиқиши эса мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларнинг амалий тасдиғи бўлди.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти масъул ходимлари, Фанлар академияси олимлари, тилшунос ва адабиётшунослар, соҳа вакиллари иштирок этди.

Уч минг нусхада чоп этилган ушбу 5 томлик луғат ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминлар, шевада қўлланадиган сўзлар, тарихий атамаларни ўз ичига олган.

Изоҳли луғатнинг қоғоз кўриниши билан бир вақтда мобил иловаси ҳам ишлаб чиқилди. "izohli-lugat.uz" веб-сайти устида иш олиб борилмоқда. Унда фойдаланувчилар учун сўз қўшиш (кўриқдан ўтказиб) имкони яратилиши назарда тутилган.

Тадбирда сўзга чиққанлар янги нашр этилган луғат борасида фикр билдириб, унинг афзалликлари ҳақида тўхталиб ўтди-

лар. Режалаштирилаётган нашр учун эса таклифларини билдирдилар.

Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан давлат тилини ривожлантиришга қаратилган 2 та қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 7 та қарори ва 1 та фармоиши лойиҳалари ишлаб чиқилган. Давлат органлари ва ҳужалик бирлашмаларида раҳбарнинг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг тайинланишига эришилди. Бу ҳаракатлар сабаб бугун кучли жамоатчилик назорати шаклланмоқда.

Департамент ташаббуси билан Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда унинг Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида 13 та филиали, шунингдек, республикадаги барча олий ўқув юртларида ўзбек тили ва адабиёти кафедралари ташкил этилди.



Бу саъй-ҳаракатлар, албатта, ўз самарасини беради. Бугун кенг жамоатчилик "Давлат тили ҳақида"ги қонун ижросини таъминлашга бел боғлаган. Мазкур луғатнинг чоп этилиши эса бу борадаги ишларнинг янада тезлашишига хизмат қилади.